

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВА ШОХИСТА ДИЛМУРАДОВНА

**Cu (II), Au (III) VA Hg (II) ИОНЛАРИНИ КАРБАМАТ ВА КАРБАЗОН
ҲОСИЛАЛИ РЕАГЕНТЛАР БИЛАН АМПЕРОМЕТРИК АНИҚЛАШ**

02.00.02 - Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Джураева Шохиста Дилмурадовна

Cu (II), Au (III) va Hg (II) ионларини карбамат ва карбазон ҳосилали
реагентлар билан амперометрик аниқлаш.....3

Джураева Шохиста Дилмурадовна

Амперометрическое определение ионов Cu (II), Au (III) и Hg (II)
реагентами производных карбамата и карбазона.....21

Djurayeva Shokhista Dilmuradovna

Amperometric determination of Cu (II), Au (III) and Hg (II) ions
with reagents of carbamate and carbazone derivatives.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК- ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВА ШОХИСТА ДИЛМУРАДОВНА

**Cu(II), Au(III) VA Hg(II) ИОНЛАРИНИ КАРБАМАТ ВА КАРБАЗОН
ҲОСИЛАЛИ РЕАГЕНТЛАР БИЛАН АМПЕРОМЕТРИК АНИҚЛАШ**

02.00.02 - Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/K255 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яхшиева Зухра Зиятовна

кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Султонов Марат Мирзаевич

кимё фанлари доктори, доцент

Рўзиев Эркин Абдиражабович

кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; e-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.М.Насимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.М.Сайиткулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

Э.А.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда саноат ишлаб чиқаришининг жадаллашуви билан амалиётга тадбиқ этилаётган технологик жараёнларнинг атроф-муҳитга антропоген таъсирини аниқлаш ҳамда назорат қилиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун кимё саноати, тиббиёт, электроэнергетика, қолаверса иқтисодиётнинг барча тармоқларида рангли ва нодир металллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда уларнинг микроиқдорларини аниқлашнинг тезкор, қулай ҳамда танлаб таъсир этувчан усулларини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон илм-фанида рангли ва нодир металллар ионларини аниқлашнинг электрохимёвий усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, табиий ва техноген объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувлари таркибидаги турли металллар ионларини аниқлаш ҳамда ажратиб олишнинг ишончлилиги даражаси юқори, тезкор, арзон усулларини ишлаб чиқиш, уларни минерал хомашёлардан тўлиқ ва комплекс ажратиб олиш, саноат корхоналари оқова сувларидаги рангли ва нодир металллар ионларининг микроиқдорларини назорат қилишга оид илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра рангли ва нодир металллар ионларини органик реагентлар ёрдамида аниқлашнинг электрохимёвий услубларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда республикаимиз кимё саноати, халқ хўжалигида олтин, мис, симоб каби металлларнинг кенг ишлатилиши сабабли, уларни саноат чиқиндилари ва оқова сувлари таркибидан аниқлашнинг танловчан, тезкор ва арзон «гибрид» услубларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёда мис, симоб, олтин ва бошқа металлларни мураккаб аралашмалардан аниқлаш учун бир қатор электрокимёвий усуллар ишлаб чиқилган бўлсада, бу усулларнинг сезгирлиги 10^{-5} мкгни ташкил этади. Табиий ва техноген объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувлари таркибида металллар миқдорининг 10^{-6} - 10^{-9} мкг оралиқда бўлиши сабабли, дастлаб уларни танлаб таъсир этувчан органик реагентлар ёрдамида ажратиш, концентрлаш ва тезкор, сезгир, электрокимёвий усуллар ёрдамида аниқлаш талаб этилади.

Бу йўналишда M.F.Guerra, B.H. Stuart, S.Kiss, H.L.Kies., G.S.Deshmukh, R.Freddi, G.G.Bombi, D.Singh, G.Facsko, B.C.Bera, K.Kalcher, B.K. Puri, L Bark., R.V. Krishna, Rao A.L, Ю.А. Золотов, Л.П., Гурьева Р.Ф., Саввин С.Б., Цизин Г. И., Моросанова Е.И., Темердашев З. Житейко, S.Z Shoursheini., B. Sajadлар томонидан нодир металллар миқдорини аниқлашда электрокимёвий усуллар қўлланилган, А.Н. Смагунова, А.М. Демкин, В.И. Широкова, A.S. Fisher, P.S. Goodall, P Jalas томонидан эса аналитик лабораторияларда ишлатиладиган рентгеноспектрал анализ усуллари ишлаб чиқилган ва нодир металлларнинг қотишмаларини экспресс- анализ қилишда қўлланилган.

Республикамызда Ш.Т.Талипов, В.А.Хадеев, Т.Қ.Хамроқулов ва А.М.Геворгянлар олиб борган илмий изланишлари электрокимёвий анализ усулларига, жумладан, металлларнинг концентрацияларини кенг диапазонда аниқлаш имконини берадиган анодли инверсион вольтамперометрия усули ёрдамида металл ионларини индикаторли электродда электрокимёвий концентрлашга бағишланган. Х.Т.Шарипов ва З.Ч.Қодировалар томонидан қимматбаҳо, нодир ва йўлдош металлларни сорбцион концентрлаш технологияси ишлаб чиқилган. А.К.Жданов, Р.Х.Джиянбоева, Н.Т.Туробов, З.А.Сманова, Э.Абдурахманов, А.М.Насимов, О.Ф.Файзуллаев, Д.М.Аронбаев, С.Д.Аронбаев, Х.Х.Тураев ва Х.Б.Раҳматовларнинг илмий ишлари металл ионларини универсал, арзон, тез таъсир қиладиган селектив азот ва олтингургут тутган титрантлардан фойдаланган ҳолда электрокимёвий аниқлаш услубларини ривожлантиришга қаратилган. Буларнинг барчаси рангли ва нодир металллар ионларини электрокимёвий усуллар билан аниқлашда уларни экологик ва аналитик мақсадда қўллаш учун амалий тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим эканлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф7-34-рақамли «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020) ва Ф-7-28-рақамли «Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металллар билан координацион бирикмалари» (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий ва техноген объектлардаги мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларининг миқдорини аниқлашда таркибида азот, олтингугурт бўлган карбамат ва карбазон ҳосиллаш реагентларни қўллаш ҳамда улар асосида амперометрик титрлаш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

азот ва олтингугурт тутган органик реагентларнинг мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини вольтамперометрик усулда аниқлаш;

синтез қилинган органик реагентлар анодли тоқларининг табиатини платина диски микроанодда аниқлаш;

мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларини азот ва олтингугурт тутган карбамат ва карбазон ҳосиллаш реагентлар эритмалари билан амперометрик титрлаш натижаларига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш;

мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларини азот ва олтингугурт тутган реагентлар билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини аниқлашнинг юқори сезгир, қайта такрорланувчан ва ҳалақит берувчи сигналларни бартараф этадиган амперометрик услубларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган услубларни табиати турлича бўлган индивидуал, бинар, учламчи ва мураккаб модели аралашмалар, оқова сувлар, руда, шлам, қотишма, ювелир маҳсулотларининг анализидида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида рудалар, саноат корхоналарининг қайта ишлаш чиқиндилари, оқова сувлар таркибидаги мис (II), симоб (II) ионлари, ювелир маҳсулотлари таркибидаги олтин (III) ионлари, карбамат ва карбазон ҳосиллаш реагентлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларининг таркибида азот, олтингугурт бўлган карбамат ва карбазон ҳосиллаш реагентлар билан комплекс бирикма ҳосил қилиши ҳамда уларни турли эритмалар таркибидан ишлаб чиқилган амперометрик титрлаш услублари ёрдамида аниқлаш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида амперометрия (бир ва икки индикатор электродли), полярография, вольтамперометрия, кулонометрия, потенциометрия, кондуктометрия каби замонавий электрохимий усуллар, шунингдек, олинган натижаларни статистик ва квант-химий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларининг микромиқдорларини махсус аналитик титрантлар сифатида N-(4-метокси-фенилкарбоксиметил)-дифенилтиокарбазон ва 4-метоксифенилкарбоксиметилдиэтилдитиокарбаматдан фойдаланиб аниқлашнинг амперометрик титрлаш услублари ишлаб чиқилган;

амперометрик титрлашда янги қўлланилган органик реагентлар электрооксидланишининг вольтамперометрик хоссалари аниқланган;

мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларининг бинар, учламчи ва мураккаб аралашмаларини азот ва олтингугурт тутган карбамат ва карбазон ҳосилали реагентлар билан амперометрик титрлашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

табiiй ва техноген объектлар, оқова сувлардан таркибида азот, олтингугурт бўлган карбамат ҳамда карбазон ҳосилали реагентлар ёрдамида аниқлашнинг энг кичик миқдори мис (II) - 2,8, олтин (III) - 0,6, симоб (II) - 1,6 мкг/мл бўлган электрокимёвий услублар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларини мураккаб аралашмалар таркибидаги микромиқдорларини сувли эритмалардан 0,02-0,04 чегарасидаги нисбий стандарт четланиш қиймати билан аниқлашнинг амперометрик услублари ишлаб чиқилган;

мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларининг бинар, учламчи ва мураккаб аралашмаларини азот ва олтингугурт тутган карбамат ва карбазон ҳосилали реагентлар билан амперометрик титрлаш қуйи чегарасининг бир тартибга камайганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган натижалар, «киритилди-топилди», «стандарт намуналар», «қўшимчалар қўшиш» каби классик аналитик усуллар, вольтамперометрик, кондуктометрик, потенциометрик ва бошқа замонавий физик-кимёвий усуллар билан тасдиқланган, шунингдек, табiiй ва техноген объектларнинг реал намуналари давлат стандарт намуналари билан солиштирилган, математик, статистик ҳамда квант-механик усулларда қайта ишланган, ишлаб чиқилган услублар саноат корхоналарининг аналитик лабораторияларида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор азот ва олтингугурт тутган карбамат ва карбазон ҳосилали реагентлар N-(4-метоксифенилкарбоксиметил)-дифенилтиокарбазон ҳамда 4-метоксифенилкарбоксиметилдиэтилдитиокарбаматдан аналитик титрантлар сифатида фойдаланиб нодир ва рангли металллар ионларини аниқлашнинг амперометрик услуби ишлаб чиқилгани, шунингдек, кислота-асосли хоссалари бўйича турлича бўлган фон электролитлари ҳамда буфер аралашмалардаги мис (II), олтин (III), симоб (II) ионларини аниқлашнинг аналитик ва метрологик параметрлари яхшилангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган услублар мис (II), олтин (III), симоб (II) ионларини амперометрик аниқлашни ноорганик материаллар, жумладан рудалар, қотишмалар, шламлар, руда чиқиндилари, заргарлик буюмлари, стандарт намуналар, саноат чиқиндилари ва оқова сувлар мониторингида қўллаш имконини беради, шунингдек, ишлаб чиқилган аниқлаш усули келажакда атроф-муҳит мониторингида қўлланиладиган амперометрик усулларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ва техноген объектлар таркибидаги мис (II), симоб (II) ионларини сувсиз ва аралаш муҳитларда азот, олтингугурт тутган карбамат ҳамда карбазон ҳосилаларини қўллаб амперометрик аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларига асосан:

ишлаб чиқилган сувсиз ва аралаш муҳитлардаги рангли ва нодир металллар ионларини 4-метоксифенилкарбоксиметилдиэтилдитиокарбамат ёрдамида амперометрик аниқлаш услуги «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да оқова сувлар таркибидаги симоб (II) миқдорини аниқлашда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг 2020 йил 27 июндаги 475/GK-06-сонли маълумотномаси). Натижада аналитик реагентларнинг корхона оқова сувлари таркибидаги симоб (II) ионларини аниқлашда қўлланилиши аниқлашнинг қуйи чегарасини бир тартибга камайтириш имконини берган;

сувсиз муҳитда мис (II) ва кумуш (I) ионларини амперометрик аниқлаш услублари билан валидация ёрдамида олинган натижалар «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг 2020 йил 27 июндаги 477/GK-06-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган рангли ва нодир металллар ионларини сувсиз муҳитда амперометрик аниқлаш услублари табиий ва техноген объектлардаги мис (II) ва кумуш (I) ионларининг микромиқдорини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган, шулардан, 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий конференцияларидир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 3 та, жумладан 1 та мақола Республикада ва 2 та илмий мақола халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Металларни электрохимёвий аниқлашнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобда мис, олтин ва симобни фаол аналитик гуруҳ тутган реагентлар ёрдамида сувли, сувсиз ва аралаш муҳитларда электрохимёвий аниқлашнинг илмий тадқиқот ишларининг шарҳи келтирилган.

Аналитик кимёда таркибида азот ва олтингугурт атомларини тутган карбомат ва карбазон хосилалари органик реагентларининг қўлланиши тобора кўпайиб бормоқда. Улар сезиларли кимёвий фаоллиги билан ажралиб туради ва турли кўплаб ионлар билан таъсирлашиб рангли ёки рангсиз бирикмалар ҳосил қилади. Улар учун хослик белги бўлиб, маълум кислоталик оралиғида айрим элементлар группалари билан реакцияга киришиш хусусиятига эгаллиги ҳисобланади.

Реакцияларнинг юқори сезувчанлиги ҳисобига етарли даражада аниқлик билан кичик миқдордаги металл ионларини аниқлаш имконини беради, бунинг устига баъзи ҳолларда бир элементни бошқаларининг мавжудлигида дастлабки тарзда ажратишларсиз танланган ҳолда аниқлаш имкони мавжуддир. Адабиётларга оид маълумотлар, карбомат ва карбазон хосилалари реагентлар, нодир ва захарли металллар билан мустаҳкам комплекслар ҳосил қилишини тасдиқлайдилар.

Диссертациянинг **“Органик реагентлар металлокомплексларини электрохимёвий аниқлашда ишлатиладиган асбоб-ускуна ва ёрдамчи қурилмалар”** номли иккинчи бобда тадқиқотни ўтказишда қўлланилувчи материаллар, ускуналар ва усуллар баён этилган. Ўз таркибида азот, олтингугурт ва бошқа ФАГлар тутувчи ЎЗМУ аналитик ва органик кимё кафедраларида синтез қилинган органик бирикмалардан фойдаланиш, уларнинг электрохимёвий, физик-кимёвий ва бошқа хоссаларини ўрганиш, ишлатиладиган реактивларни тозалаш усуллари, уларнинг тозалик даражаси, стандарт ва ишчи эритмаларини тайёрлаш усуллари, уларни сақлаш муддатлари, намунани танлаб олиш ва уларни тайёрлаш усуллари келтирилган.


Олинган тажриба материалларининг математик ишланмаларини адабиётларда келтирилган асосий усуллар, аниқланаётган металл ионлари миқдорини қуйи чегарасини топиш, ишлаб чиқиладиган усулларнинг сифат баҳосини тавсифловчи сезгирлик даражаси келтирилган.

Диссертациянинг “Платина диски микронода органик реагентларнинг электрохимий тадқиқоти” номли учинчи бобида платина диски микронода N-(4-метоксифенилкарбоксиметил)-дифенилтиокарбазон (R^1) ва 4-метоксифенилкарбоксиметил-диэтилдитиокарбамат (R^2) электрохимий ҳаракатланиши, ўрганилган реагентларни мис, олтин ва симоб ионлари билан комплекс ҳосил қилиш оптимал шарт-шароитларини танланиши келтирилган, платинали диски микронода азот ва олтингугурт тутган карбамат ва карбазон ҳосилдали органик реагентларининг электрооксидланиш эгри чизиқлари келтирилган.

Ўрганилаётган эритманинг ҳарорати ва платина диски микронод айланишлари сони турлича бўлган шароитларда, барча ўрганилган буфер аралашмалар ва фон электролитларда олинган реагентларни оксидланиш эгрлари, реагентларнинг электрооксидланиши ва титрланадиган металллар ионларининг катодли қайтарилиш тоқининг диффузион табиати аниқланган, логарифмик анализ усулида унинг қайтмас хусусияти кўрсатилган.

R^1 ва R^2 реагентларнинг бир молекуласини платина диски микронода электрооксидланиш жараёни барча ўрганилган муҳитларда қайтмас характерга эга эканлиги ва битта электрон бериш билан бориши квантохимий ҳисоблашлар ёрдамида исботланган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида R^1 ва R^2 реагентларни платина микродиски анодда электрооксидланиши вақтида, буфер аралашмалар ва фон электролитларнинг кислотали ва асослилигига қараб, реагент оксидланишининг яримтўлқинли потенциали ($E_{1/2}$) кучсиз кислотали соҳадан кучли кислотали соҳага ўтганда мусбат потенциаллар соҳасига қараб силжиб бориши аниқланган (1-расм).



1 - расм. Платина диски микронода реагентлар электрооксидланишини вольтампер эгрлари.

1-расмда кислота-асосли хоссалари турлича бўлган фон электролитларда реагентларнинг вольтамперометрик оксидланиши эгрлари келтирилган. Хлорид кислота билан литий перхлорат аралашмаси металл ионларини



титрлашнинг ишлаб чиқилган усуллари танловчанлигини баҳолаш учун фон электролит сифатида ишлатилди.

Тажрибалар натижасида металл ионларнинг титрлаш тезлиги қуйидаги каторда ортиб бориши аниқланган: сув < диметилформаид < н-пропанол < толуол < сирка кислота.

Ўрганилган муҳитларда танланган реагентлар барча фон электролитларда етарли даражада намоён бўладиган анод тўлқинларни беради. R¹ реагентининг электрооксидланиш натижаларидан кўринадики, оксидланишининг анод тўлқинлари кислоталик қийматлари юқори бўлганда аниқ намоён бўлади, R² реагентининг оксидланиш анод тўлқинлари эса сувсиз сирка кислотали барча фон электролитларда яхши намоён бўладиган анод тўлқинлар ҳосил қилади.

Cu(II), Au(III) ва Hg(II) ионларни амперометрик аниқлашларнинг қайта такрорланувчанлиги ва тўғрилиги бўйича оптимал натижа сирка кислотада олинди.

Токнинг энг катта қиймати билан реагентлар концентрациялари ўртасидаги пропорционал боғлиқлик, барча сувсиз протолитик эритувчилар (CH₃COOH) ва инерт эритувчилар (CH₃COOK) билан аралашмалари, фон электролитлар (LiNO₃, LiClO₄) учун концентрациянинг 1 · 10⁻³- 2 · 10⁻⁵ моль/л қийматларида яхши натижа беради. Реагентларнинг электрооксидланиш жараёни натижаларига қараб уларни 0,75-1,00 В потенциалда дискли микроанодда оксидланиш механизми ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.



Органик реагентларни кислота-асосли хоссалари ҳар хил бўлган фон электролитларда, платина дискли микроаноднинг кутбланишини анод соҳасида протолитик эритувчиларда оксидланишининг вольтампер эгрларини ўрганиш бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки,

вольтамперограммалар поликарбон реагентларнинг ва баъзи азот ва олтингугурт тутган бирикмаларнинг вольтампер эгрлари билан ўхшаш, фақат R¹ ва R² реагентларнинг анод тўлқинларининг потенциаллари мусбат соҳасида жойлашган. Бундан ташқари ўрганилган муҳитларда R¹ ва R² реагентлар учун тўлқин баландлиги фон электролитнинг кислоталилиги ортиши билан ўсиб боради, лекин максимумдан ўтмайди. Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларини солиштириб, барча ўрганилган муҳитларда R¹ ва R² реагентлари амперометрик титрлашда Cu(II), Au(III) ва Hg(II) ионларига экспресс ва танлаб таъсирчан деган хулоса қилиш мумкин.

Барча ўрганилган муҳитларда олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларини қуйидаги қатор келтириш мумкин:

- титрлаш тезлиги бўйича эритувчилар қуйидаги қаторни ташкил қилади: H₂O < ДМСО (ДМФА) < C₂H₅ОН < CH₃COОН;

-индекция титрлаш охириги нуқтаси бўйича:



Диссертациянинг «Cu (II), Au (III) ва Hg (II) ионларини турли муҳитда органик реагентлар ёрдамида амперометрик аниқлаш» номли тўртинчи бобида турли муҳитларда титрлашнинг оптимал шароитларини танлаш натижалари ва ишлаб чиқилган услублар келтирилган.

Сирка кислота муҳитида Cu(II), Au(III) ва Hg(II) ионларнинг комплексонатларини ҳосил бўлиш даражаси лионий (водороднинг сольватланган ионлари) ионларининг концентрацияси ортиши билан камайиб боради. Бу омил металл ионларини комплексометрик титрлашнинг танловчанлигини, эритманинг кислоталилигини бошқариш йўли билан бошқариш имконини беради.

Сувсиз сирка кислотали эритмаларда лионий ионларининг концентрациясини (CH₃COОН) бўйича фон электролитларни танлаш орқали бошқариш мумкин. Мисол учун, сирка кислотали муҳитда калий ва натрий ацетатлари кучли асос хоссаларини намоён қилади ва лионий ионларини қуйидаги реакциягача нейтраллайди:



Шунинг учун ацетатли фонда комплексонатларининг мустаҳкамлиги юқори бўлмаган катионларни ҳам титрлаш мумкин. Аксинча, бундай муҳитларда литий перхлорати кислотали хоссалар намоён қилади ва қуйидаги реакция бўйича лионий ионларини концентрациясини оширади:



Бу жараёнда мувозанат маҳсулот ҳосил бўлиш томонга силжийди. Шунинг учун литий перхлорат фониде фақат лигандлар билан мустаҳкам комплекс ҳосил қиладиган металлларнинг катионларини вольтамперометрик титрлаш мумкин. Нодир металлларнинг ионлари олтингугурт ва азот тутган реагентлар билан барқарор комплекс бирикмалар ҳосил қилади, шу сабабли уларни сувсиз сирка кислотаси муҳитида титрлаш имконияти синовдан ўтказилди. Кучланиш таъсири сирка кислотада турли фон электролитлар иштирокида платинали диск микроанодда R¹ ва R² реагентлари олинган вольтампер хусусиятлари асосида ўрганилди. Иккита индикатор электродли

турли металларни титрлашнинг сўнгги нуқтаси ионларининг амперометрик кўрсаткичи мос равишда титрлашда 0,50-0,65 В; 0,90-1,25 В ва 0,50-0,95 В кучланишда ишлатилаётган фон электролитнинг табиатига қараб потенциаллар диапазонида ўтказиш керак.

Ионлар эритмаларининг муҳити кислоталилиги юқори бўлса, уларни титрлаш вақтида индикаторли электродга бериладиган потенциални 0.1-0.2Вга кўтариш лозим.

Олинган маълумотлар асосида, металл ионларини сирка кислотада титрлаш вақтида Cu(II) ва Hg(II) учун - Me:R=2:1, Ag(III) учун - Me:R=3:1 таркибли комплекслар ҳосил бўлади, бунда реагент монодентатли комплекс ҳосил қилувчи ҳисобланади (1-жадвал).

1- жадвал.

15,34 мкг Cu(II), 19,18 мкг Au(III) ва 21,73 мкг Hg(II) ларни R¹ ва R² эритмалари билан сирка кислотасида турли фонларда амперометрик титрлаш натижаларига фон электролити табиати ва концентрациясининг таъсири (P=0,95; n=5)

Фон микдори моль/л	Топилди Me, мкг					
	Литий перхлорат			Калий ацетат		
	R ¹			R ²		
	Cu(II)	S	S _r	Cu(II)	S	S _r
0,025	15,52 ± 0,47	0,47	0,025	15,45 ± 0,46	0,42	0,026
0,050	15,46 ± 0,53	0,46	0,029	15,35 ± 0,39	0,33	0,024
0,100	15,38 ± 0,30	0,26	0,018	15,37 ± 0,41	0,35	0,022
0,150	15,41 ± 0,51	0,44	0,030	15,38 ± 0,42	0,34	0,021
	Au(III)	S	S _r	Au(III)	S	S _r
0,025	18,84 ± 1,47	1,29	0,067	18,94 ± 1,34	1,16	0,060
0,050	19,08 ± 1,18	0,94	0,047	19,95 ± 1,16	0,83	0,040
0,100	19,87 ± 1,42	0,82	0,039	20,10 ± 0,84	0,59	0,028
0,150	19,72 ± 0,80	0,58	0,030	19,69 ± 0,63	0,46	0,022
	Hg(II)	S	S _r	Hg(II)	S	S _r
0,025	21,52 ± 0,40	0,57	0,031	21,66 ± 0,37	0,32	0,024
0,050	22,30 ± 0,18	0,13	0,006	22,04 ± 0,52	0,36	0,026
0,100	21,95 ± 0,51	0,46	0,020	21,57 ± 1,32	0,97	0,044
0,150	21,89 ± 0,57	0,42	0,018	21,80 ± 0,42	0,37	0,018

Карбонил ва карбоксил тутган ҳосилали бирикмаларнинг таъсирини ўрганиш учун кислотали эритмаларда литий перхлорат ва хлорат кислота билан аралашмасида (2×10^{-3} М гача) Cu(II), Hg(II), Ag(III) ионлари R¹ ва R² реагентлар билан титрланган.


1-жадвалдан кўришиб турибдики, металл ионларини амперометрик титрлаган вақтда фоннинг эритмадаги оптимал концентрацияси 0,05 дан 0,15 М гача бўлади.

Cu(II), Hg(II), Ag(III) ионларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган амперометрик услубни қўллаш имкониятлари тўғрисидаги масалани ҳал

этиш учун қўшилаётган инерт эритувчининг табиати ва концентрациясини таъсирини ўрганиш лозим. Титрланадиган эритмага хлороформ, углерод тўрт хлориди, бензол, гексан, метилэтилкетон ва бошқа инерт эритувчиларнинг қўшилаётган миқдорларини таъсири шуни кўрсатадики, эквивалент нуктасидан кейин титрлаш эгрисининг қия оғиши барча ҳолатларда инерт эритувчиларнинг концентрацияси ортиши билан ортиб боради, буни титрлашда ҳосил бўладиган комплекснинг барқарорлик константа эффектнинг ортишидан кўриш мумкин.

Олинган натижалардан маълумки, сирка кислотага инерт эритувчи қўшилган вақтда аввал титрлаш эгрисининг шакли ўзгармайди, кейинчалик эса унинг қиялиги пасайиб боради. Шундай бўлса-да, 30 ва хаттоки 40-50 ҳажм % эритувчи бўлган вақтда эгри чизиқ аниқ кўринишга эга бўлади, эритувчи ҳажми 50%дан ошганда титрлаш эгрисининг ўнг томондаги эгри шоха қисми текисланиб, тўғри чизиқли бўлакка эга бўлиб қолади.

2-расмда мисол тариқасида Cu(II) ни турли инерт эритувчилар иштирокида сирка кислотада титрлаш эгрилари келтирилган. Титрантнинг э.н.даги ўртача сарфи инерт эритувчиларнинг 40-50 х.% ҳажмида (хлороформ ва бензолдан ташқари) анча кўтарилганлигини кузатиш мумкин.



2-расм. Cu(II) ни R^2 эритмаси билан хлороформ иштирокида 0,2 М литий нитратни сирка кислотадаги эритмаси иштирокида амперометрик титрлаш эгриси. Инерт эритувчининг миқдори, ҳажм %: 1-0,0; 2-10,0; 3-20,0; 4-30,0; 5-40,0; 6- 60,0.

Бефарқ эритувчилар иштирокида қолган металл ионларини АТда R^2 дан фойдаланилганда калий ацетат 0,25М эритмаси фониди, 0,60-0,75В потенциалда, ўрганилаётган эритманинг ҳажми 10,0мл билан олиб борилди.

Бефарқ эритувчиларнинг миқдори ортиб бориши билан (жоиз миқдордан юқори) титрланадиган эритмаларда э.н. кейин эгри чизиқ ўзининг тўғрилигини ва аниқлигини йўқотиб боради; бу эса титрлаш эгриларини тўғри чизиқли бўлақларини экстраполяция қилиб э.н. аниқлашни қийинлаштиради. Бунга сабаб титрланадиган эритманинг электрўтказувчанлигини камайиб кетиши билан тушунтирилади, бу эса ток

катталиги ва титрант концентрацияси ўртасидаги пропорционал боғлиқликни бузилишига олиб келади.

Au (III) ва Hg (II) – R², Cu (II) – R¹ эритмаси билан сирка кислотасида аниқлашнинг ишлаб чиқилган амперометрик услубларини аниқлиги, тўғрилиги ва қайта тикланувчанлигини баҳолаш учун бу металллар ионларининг турли миқдорлари аниқланди, титрлаш бир неча марта такрорланди, уларнинг статистик қайта ишланган натижалари 2- жадвалда келтирилган.

Ишлаб чиқилган услубларда қайтарилиувчанлигини ошириш учун фон электролитнинг табиати ва концентрацияси таъсири ўрганилди, бунда сирка кислотада, н-пропанолда яхши эрийдиган ва кислота-асосли хоссага эга тузлардан фойдаланилди. Бу тузлар кислотали хоссалари ортиб бориш тартибида жойлаштирилди:



Cu(II), Hg(II), Au(III) ионларини R¹ ва R² эритмаларининг селективлик нуқтаи назаридан амперометрик аниқлаш услубларининг метрологик тавсифларини топиш учун ўрганилаётган металлларнинг ионларини титрлаш натижалари ва эгриларининг шаклига турли комплексловчи бирикмаларнинг ва ҳалақит берадиган анионларнинг таъсири ўрганилди.

2-жадвал.

Cu(II), Au(III) ва Hg(II) турли миқдорларини R¹ ва R² эритмалари билан 0,25M фонда калий ацетат бўйича сирка кислотасида титрлаш натижалари (E = 0,60 В) (P=0,95; n=5)

Титрланадиган катионнинг табиати ва миқдори, мкг	Топилди Me, мкг (P = 0,95; $\bar{x} \pm \Delta X$)		s	Sr
R¹				
Cu(II)	15,71	15,43± 0,61	0,34	0,021
	323,75	321,39±3,92	2,12	0,008
Au(III)	26,22	26,21± 0,08	0,04	0,003
	37, 64	37,63±0,11	0,08	0,002
R²				
Cu(II)	16,72	16,70± 0,11	0,07	0,005
	82,20	82,41±0,96	0,53	0,007
R¹				
Hg(II)	15,70	15,47± 0,61	0,34	0,021
	74,75	74,71±0,11	0,07	0,001
R²				
Au(III)	46,42	46,39± 0,10	0,07	0,001
	97, 64	97,62±0,12	0,06	0,001
Hg(II)	10,72	10,75± 0,23	0,09	0,008
	82,40	82,41±0,96	0,06	0,006

Cu(II), Hg(II), Au(III) ионларига нисбатан анионларнинг таъсирини ўрганиш учун ўрганилаётган эритмаларга ишқорий металллар ва аммоний тузлари киритилди. Комплексловчи анионларнинг ва бошқа бирикмаларнинг таъсирини ўрганиш учун танланган титрлаш шароитлари худди бегона ионлар бўлмаган шароитлар каби бўлди.

Турли бегона анионлар ва баъзи комплекс ҳосил қилувчи бирикмаларнинг эгри чизик шаклига таъсирини ва Cu(II), Hg(II), Au(III) ионларни аралаш муҳитларда амперометрик титрлаш натижаларини ўрганиш вақтида олинган маълумотлар асосида бегона катионларни ниқоблашда Cu(II) учун сульфит кислота аниони, Au(III) учун тартрат - анионидан, Hg(II) учун фталат - аниони фойдланиш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқиляётган услубларнинг селективлик даражасини аниқлаш мақсадида бегона катионларнинг таъсири ўрганилди. Cu(II), Hg(II), Au(III) ионларни R² эритмаси билан амперометрик аниқлашда калий ацетати фонида исталган миқдорларда (нисбий стандарт четланиш 0.035) бегона катионни титрланаётган металл катионига максимал моляр нисбатида ҳалақит бермайди: Fe(III), Zn(II) ва Cd(II) – 1-5; Al(III), Th(IV), Sc(III) ва PЗЭ -40-50; Cr(IV), Co(II) ва Ni(II) -5-10; Ag(I), Au(III) ва Pt(IV)- дан кам 1-2, Cu(II) ҳар қандай миқдорда ҳалақит беради.

3- жадвал.

Амперометрик аниқлашларнинг натижаларига турли ҳалақит берадиган анионларнинг таъсири 5 мкг Cu(II), 10 мкг Hg(II), 15 мкг Au(III) ($\Delta E = 0,75 \text{ В}; P = 0,95; \bar{x} \pm \Delta X$)

Металл табиати	Бегона анион; [x]	$\frac{[x]}{[Me]}$	Топилган металл; мкг	n	S	S _r
Cu(II)	сульфат-	10,0	5,06 ± 0,20	4	0,121	0,012
	фосфат-	5,6	4,57 ± 0,30	4	0,192	0,018
	сульфит-	10,5	5,03 ± 0,11	5	0,103	0,011
	фторид-	10,0	5,01 ± 0,31	5	0,291	0,027
	тартрат-	5,8	4,59 ± 0,33	4	0,213	0,023
	фталат-	8,0	5,10 ± 0,22	5	0,202	0,021
Hg(II)	сульфат-	10,0	10,05 ± 0,25	5	0,243	0,024
	фосфат-	5,7	9,94 ± 0,16	5	0,162	0,016
	сульфит-	10,2	10,13 ± 0,21	5	0,201	0,020
	фторид-	10,0	10,10 ± 0,32	4	0,211	0,021
	тартрат-	10,0	9,92 ± 0,31	4	0,192	0,019
	фталат-	6,5	10,03 ± 0,12	5	0,122	0,012
Au(III)	сульфат-	10,0	15,05 ± 0,15	5	0,141	0,014
	фосфат-	5,5	15,08 ± 0,25	4	0,162	0,019
	сульфит-	7,3	14,90 ± 0,32	4	0,233	0,020
	фторид-	10,0	15,03 ± 0,30	4	0,194	0,019
	тартрат-	10,0	15,16 ± 0,32	4	0,132	0,013
	фталат-	2,8	14,95 ± 0,18	5	0,181	0,018

Бегона ионларни таъсирини ўрганиш вақтида нодир металлларнинг ионлари - кобальт, никель, висмут ва табиатда кенг тарқалган руда ва

қотишмаларда, ишлаб чиқариш материалларда Cu(II), Hg(II) ва Au(III) билан бирга учрайдиган элементларнинг ионлари танлаб олинди.

Маълумки, R¹ ва R² билан комплекс бирикмалар ҳосил қилмайдиган ёки у билан беқарор комплекслар ҳосил қиладиган катионларнинг катта миқдорлари ўрганилган катионларни титрлашга ҳалақит бермайди.

4- жадвал.

Амперометрик аниқлашларнинг натижаларига турли ҳалақит берадиган катионларнинг таъсири 10 мкг Cu(II), Hg(II), Au(III)

($\Delta E = 0,75 \text{ В}; P = 0,95; \bar{x} \pm \Delta X$)

Металл табиати	Бегона катион; [x]	$\frac{[x]}{[Me]}$	Топилган металл; мкг	n	S	S _r
Cu(II)	Rh (II)	10,0	10,07 ± 0,21	4	0,121	0,012
	Os (II)	5,6	9,99 ± 0,28	4	0,192	0,019
	Co (II)	10,5	10,05 ± 0,13	5	0,103	0,010
	Ni (II)	10,0	10,03 ± 0,32	5	0,296	0,029
	Fe (III)	5,8	9,97 ± 0,27	4	0,215	0,021
	Ir (II)	8,0	10,12 ± 0,23	5	0,204	0,020
	Tl (III)	1,7	9,91 ± 0,21	4	0,123	0,012
Au(III)	Zn (II)	10,0	10,05 ± 0,25	5	0,241	0,024
	Cd (II)	5,7	9,94 ± 0,16	5	0,164	0,016
	Co (II)	10,2	10,15 ± 0,21	5	0,203	0,020
	Ni (II)	10,0	10,06 ± 0,32	4	0,212	0,021
	Fe (III)	10,0	9,93 ± 0,31	4	0,191	0,019
	Mn (II)	6,5	10,24 ± 0,14	5	0,122	0,012
	Re (II)	4,0	9,96 ± 0,28	4	0,173	0,018
Hg(II)	Ni (II)	10,0	10,06 ± 0,10	5	0,144	0,014
	Cd (II)	5,5	10,07 ± 0,21	4	0,162	0,019
	Mn (II)	7,3	9,99 ± 0,22	4	0,230	0,020
	Co (II)	10,0	10,04 ± 0,26	4	0,193	0,019
	Fe (III)	10,0	10,14 ± 0,28	4	0,131	0,013
	Re (II)	2,8	9,98 ± 0,17	5	0,180	0,018
	Tl (III)	1,0	9,96 ± 0,14	5	0,152	0,015

Нодир металлларни R¹ ва R² эритмалари билан таклиф этилаётган амперометрик титрлаш услубларининг аниқлигини исботлаш учун ва олинган натижаларни ишончлилигини баҳолаш мақсадида уларнинг метрологик тавсифлари ва аналитик параметрлари бошқа усуллар билан солиштирилди (5-жадвал).

Cu(II), Hg(II), Au(III) ионларини индивидуал ҳолатида титрлаш шароитларини оптималлаштириш бўйича ва уларни бинар, учламчи, мураккаб аралашмаларда титрлашнинг селективлигини баҳолаш учун олиб борилган тажрибалар асосида, металл ионларини R¹ ва R² эритмалари билан турли саноат материалларида ва табиий объектларда амперометрик титрлаш усуллари ишлаб чиқилди.

Олиб борилган тажрибалар натижасида хулоса қилиш мумкинки, Cu(II), Hg(II), Au(III) ионларни амперометрик усулда аниқлаш ва уларни рудалар,

котишмалар, шламлар ва бошқа материаллар таркибидан титрлаб ажратиб олиш мумкин.

Барча ҳолатларда нисбий стандарт чекланиш 0,33 дан ортиқ эмас, бу эса ишлаб чиқилган амперометрик усулнинг тўғрилиги ва қайтарилувчанлигидан далолат беради.

5- жадвал.

Cu(II), Au(III) ва Hg(II) ионларини турли усуллар билан аниқлашнинг метрологик тавсифларини қиёсий маълумотлари

Аниқлаш усули	Таҳлил объекти	Ме	Фон	С _n , мкг	S _r	Мин
Атом абсорбция	Олтин тутган рудалар	Au	-	0,05	0,128	120
Спектрофотометрик	Рудалар, модель аралашмалар	Hg	-	0,01	0,117	300
		Cu	Ацет. Буфер	0,20	0,248	20
		Au	0,06 М НСl	0,48		
Сорбцион концентрлаш	Минерал	Au	-	0,02	0,301	60
	Хом ашё	Cu	-	0,03	0,309	60
		Hg	-	0,03	0,246	60
Сорбцион фотометрия	Модель аралашмалар	Cu	-	0,04	0,290	90
		Hg	-	0,02	0,283	90
		Au	-	0,02	0,239	90
Амперометрик	Концентрат Катализаторлар Шламлар	Cu	CH ₃ COOK	5	0,092	5
		Hg	CH ₃ COOK	10	0,042	5
		Au	CH ₃ COOK	25	0,134	5
Сорбцион люминесценция	Ювелир қотишмалар	Cu	0,2 М Н ₃ ВO ₃	5	0,100	30
		Hg	0,2 М Н ₃ ВO ₃	30	0,085	30
		Au	НСl+НВr	80	0,002	30
Полярографик	Модель аралашмалар	Au	LiClO ₄	60	0,003	35
АЭС -ИСП	Сульфидли рудалар	Au	LiClO ₄ +KI	150	0,015	25
Инверсион-вольтамперометрик	Модель аралашмалар	Cu	-	0,8	0,063	18
		Hg	-	0,6	0,097	20
		Au	0,2 М Н ₂ SO ₄	0,30	0,052	7
Вольтамперометрия	Модель аралашмалар	Hg	НСl	0,89	0,089	60
		Au	2 М НСl + 0,1 М КСNS	0,21	0,025	45
Кулонометрик	Сu-Аg қотишмалар	Cu	1,0 М NaCl	0,04	0,258	60
Гравиметрик	Нодир металл қотишмалари	Cu	Zn	9	0,25	180
		Hg	ДМГО	29	0,30	180
		Au	NaNO ₂	59	0,25	180
Потенциометрик титрлаш	Иккиламчи чиқиндилар	Cu	ДДТКNa	10	0,02	30

Тавсия этилган амперометрик услублар, тезкорлиги, сезгирлиги, аниқлиги ва такрорланувчанлиги, шунингдек, аниқланган таркибнинг пастки чегаралари жиҳатидан Cu(II), Hg(II), Au(III) ларни R¹ ва R² эритмалари билан аниқлаш учун ҳеч қандай тарзда мавжуд ва кенг қўлланиладиган усуллардан

кам эмас ва баъзи метрологик параметрларда ҳатто амалда кенг қўлланиладиганлардан ҳам устундир.

ХУЛОСА

1. Илк бор N-(4-метоксифенилкарбоксиметил)-дифенилтиокарбазон (R^1) ва 4-метоксифенилкарбоксиметил-диэтилдитиокарбамат (R^2) нинг мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг электрокимёвий табиати баҳоланди ҳамда махсус аналитик титрантлар сифатида тавсия этилди.

2. Илк мартаба мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларини R^1 ва R^2 реагентлар эритмалари билан ҳосил бўлган комплекс бирикмалари учун реакцияларнинг механизми таклиф этилди.

3. Кислота-асосли хоссалари бўйича турлича бўлган муҳитларда R^1 ва R^2 реагентлари стандарт эритмалари билан аниқлашнинг амперометрик услублари ишлаб чиқилди ҳамда фон электролитларининг табиати ва концентрациялари, буфер аралашмаларнинг индикатор электродларга берилувчи кучланишини эгри чизиклар шаклига шарт-шароитлар, фойдали аналитик сигналнинг титрлаш натижаларига бўлган таъсири аниқланди.

4. Мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионларини R^1 ва R^2 реагентлар эритмалари билан уларнинг хусусий эритмаларида, реал табиий объектлар ва саноат материалларига айнан ўхшатиш билан, учламчи ва янада мураккаб модели аралашмаларда $Cu(II)$ -2,8, $Au(III)$ -0,6 ва $Hg(II)$ -1,6 мкг/мл миқдорларда таҳлил қилишга имкон берувчи амперометрик титрлаш услублари ишлаб чиқилди ҳамда мураккаб аралашмалар анализига қўллашга тавсия этилди.

5. Ишлаб чиқилган амперометрик титрлаш услублари стандарт намуналар, рудалар, саноат оқова сувлари таркибидан мис (II), олтин (III) ва симоб (II) ионлари микромиқдорларини аниқлашнинг қуйи чегарасини бир тартибга камайтиришга эришилди ва Муборак газни қайта ишлаш заводи МЧЖ лабораториясида амалиётга жорий қилинди ва реал объектлар анализига қўллаш таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.02.05
ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ДЖУРАЕВА ШОХИСТА ДИЛМУРАДОВНА

**АМПЕРОМЕТРИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИОНОВ Cu(II), Au(III) И
Hg(II) РЕАГЕНТАМИ ПРОИЗВОДНЫХ КАРБАМАТА И КАРБАЗОНА**

02.00.02 - Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам**

Самарканд-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.PhD/K255.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице ученого совета по адресу (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель

Яхшиева Зухра Зиятовна
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Султонов Марат Мирзаевич
доктор химических наук, доцент

Рўзиев Эркин Абдиражабович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, физико-химический корпус, 3 этаж, 305 аудитория. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № _____. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, ИРЦ. Тел.: (+99866) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 г)

А.М.Насимов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней
д.т.н., профессор

Ш.М.Сайиткулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.х.н., доцент

Э.А. Абдурахмонов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы исследования. На сегодняшний день по мере интенсификации в мировом масштабе процессов промышленного производства возрастает важность определения и контроля антропогенного воздействия внедряемых технологических процессов на окружающую среду. Поэтому огромное практическое значение приобретает разработка быстрых, удобных, избирательных методов определения микроколичеств цветных и редких металлов для повышения эффективности их использования в химической промышленности, медицине, электроэнергетике, и в целом в отраслях экономики.

В мировой науке проводится масштабные исследования по разработке электрохимических методов определения ионов цветных и редких металлов. В частности, научные исследования в области разработать достоверные, быстрые, недорогие методы определения и выделения ионов различных металлов в природных и техногенных объектах, стоков промышленных предприятий, их полного и комплексного выделения из минерального сырья, контролировать микроколичества ионов цветных и редких металлов в стоках промышленных предприятий приобретают все большее значение. В этой связи разработка и совершенствование электрохимических методов определения ионов цветных и редких металлов с помощью органических реагентов считаются одним из актуальных проблем современности.

В нашей стране достигнуты определенные результаты в производстве новых видов материалов в химической промышленности, в том числе проведены масштабные меры по обеспечению внутреннего рынка импортозамещающими химическими реагентами. Следует отметить, что особое внимание в нашей Республике уделяется мерам по формированию научно обоснованной системе функционирования промышленных объектов и внедрения инновационных технологий к охране окружающей среды. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены важные задачи, направленные на «развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». При выполнении этих задач важное значение приобретает разработка избирательных, быстрых и недорогих «гибридных» методов определения в промышленных отходах и сточных водах таких широко используемых в народном хозяйстве Республики металлов, как золото, медь и ртуть.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и №УП-5953 от 02 марта 2020 года «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития республики узбекистан в 2017 — 2021 годах в «год развития науки, просвещения и цифровой экономики»,

Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3983 25.10.2018 г. «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4265 03 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также других нормативно-правовых актах, касающихся соответствующей деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Несмотря на разработанность на сегодняшний день в мире целого ряда электрохимических методов определения меди, ртути, золота и других металлов в сложных соединениях, их чувствительность составляет всего 10^{-5} мкг. Поскольку содержание металлов в составе природных и техногенных объектов, стоков промышленных предприятий находится в пределах 10^{-6} - 10^{-9} мкг, в первую очередь требуется отсортировать их и выделить их с помощью действенных органических реагентов, сконцентрировать и определить посредством быстрых, чувствительных электрохимических методов.

